

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**РАДЖАБОВА ЗУЛОЛА АБДУХАКИМОВНА**

**ГЕРПЕСВИРУС ИНФЕКЦИЯЛИ ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ТУҒРУҚ  
УСЛУБИНИ ТАНЛАШНИ ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ  
(КЛИНИК-МОРФОЛОГИК ТАДҚИҚОТ)**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Раджабова Зулола Абдухакимовна**

Герпесвирус инфекцияли ҳомиладор аёлларда  
туғруқ услубини танлашни патогенетик асослаш  
(клиник-морфологик тадқиқот) ..... 3

**Раджабова Зулола Абдухакимовна**

Патогенетическое обоснование выбора метода родоразрешения  
у беременных с герпесвирусной инфекцией  
(клинико-морфологическое исследование) ..... 21

**Radjabova Zulola Abduhakimovna**

Pathogenetic rationale for the choice of method of delivery in  
pregnant women with herpes virus infection  
(clinical and morphological study) ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**РАДЖАБОВА ЗУЛОЛА АБДУХАКИМОВНА**

**ГЕРПЕСВИРУС ИНФЕКЦИЯЛИ ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ТУҒРУҚ  
УСЛУБИНИ ТАНЛАШНИ ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ  
(КЛИНИК-МОРФОЛОГИК ТАДҚИҚОТ)**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib11 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каримова Феруза Джавдатовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бабаджанова Гулжаҳон Саттаровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Набиев Талат Абдувоҳобович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: +99871-262-33-14, e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: +99871 - 262-33-14).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А. В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**К.Н.Хайтов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.И. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бутун дунё эътибор марказидаги муаммо бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, “оддий герпес вирус-вирус инфекциялари туфайли ўлим сабаблари бўйича гриппдан кейинги иккинчи ўринда туради, агар герпес вирусининг бирламчи эпизоди ҳомиладорликнинг III-триместрига тўғри келса чақалоқда неонатал герпес ривожланиши хавфи юқори бўлади”<sup>1</sup>. Бир қатор америкалик олимларнинг маълумотларига мувофиқ, катта ёшдаги аҳолининг 99% да I-тур оддий герпес вирусини, 73% да эса II-тур оддий герпес вирусини билан зарарлангани аниқланган. Мазкур касаллик АҚШ да сўнгги йилларда “миллий герпетик эпидемия” мақомига чиқмоқда, жинсий йўл орқали барча касалланишларнинг 6% ини ташкил этмоқда. Бугунги кунда ўз вақтида ташхислаш ва касалликни олдини олиш устувор йўналишлардан бўлиб қолмоқда, шу муносабат билан ҳомилани герпес вирусини билан зарарланишининг эрта даврларида ташхислашнинг ўзига хос мезонларини аниқлаш долзарб ҳисобланади. Туғилиш даврида инфекцияланиш муаммосининг ечими ҳомила ҳолатини ташхислашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ва мавжуд усуллари такомиллаштириш ва туғруқнинг муддатлари ва усуллари оптималлашни қамраб олади.

Жаҳон миқёсида ўтқизилган кенг қамровли илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш натижасида герпес вирусини билан зарарланган ҳомиладор аёлларда перинатал асоратларни башорат қилувчи мукамал мезонларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилишга эҳтиёж борлиги аниқланди. Шу муносабат билан йўлдошнинг гормонал ва метаболик функцияларини ўрганиш, ультратовуш ёрдамида плацентометрия ва ҳомиланинг биофизик ҳолатини баҳолаш, ҳамда бачадон-йўлдош қон айланишини тизимини доплерометрияси усуллари истиқболли ҳисобланади. Бугунги кунда ҳомила қорин ичидаги ҳолатини акс эттирувчи фетал маркерларни баҳолаш клиник тиббиётда кенг қўлланилмоқда, бу ҳолат усулни қўллаш енгиллиги, юқори сезувчанлик ва маълумотларга бойлиги билан боғлиқдир. Герпес вирусини билан зарарланган ҳомиладор аёлларда йўлдошнинг гормонал ва метаболик функцияларини ўрганиш, ультратовуш ёрдамида плацентометрия ва ҳомиланинг биофизик ҳолатини баҳолаш, ҳамда бачадон-йўлдош қон айланиш тизимини доплерометрияси усуллари қўллаш натижасида аёлларга индивидуал равишда туғдиришнинг энг рационал усулини танлашга имкон беради.

Мамлакатимизда мустақилликга эришганимиздан сўнг соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланишларга юз тутди, бугунги кунда тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири касалликларни эрта ташхислаш ва уларнинг

<sup>1</sup> WHO G First global estimates of annual number of neonatal herpes cases 31 January 2017; Brief<https://www.who.int/reproductivehealth/topics/>

асоратларини камайтиришга катта эътибор қаратилган. Бу жабҳада кенг кўламли режавий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, аҳолига тиббий ёрдамни кўрсатишни янада яхшилаш учун “оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш”<sup>2</sup> муҳим вазифалари қўйилган.

Мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги Қарорлари: 2016 йил 2 ноябридаги ПҚ-2650 сон “2016-2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони, 2017 йил 20 июнидаги ПҚ-3071 сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори, ҳамда шу соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифалар ечимига хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Герпес вируси муаммосига дерматовенерология соҳасида кўпсонли тадқиқотлар ўтказилган (Milpied B., Janier M., Timsit J. 2016; Korr G., Thamm M., Czogiel I. 2017; Awasthi S., Hook L.M. 2019), бироқ герпес вируси бўлган ҳомиладор аёлларни кузатиш ва туғдириш услублари ҳақидаги масалалар охиригача ечилмай қолмоқда. Герпес вируси билан зарарланиш энг кўп учрайдиган касалликлардан бири бўлиб, ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврни асоратловчи патология ҳисобланади (Chua C., Arnolds M., Niklas V. 2015; Looker K.J., Magaret A.S. 2017). Бу касалликлар “она-йўлдош-ҳомила” тизими бўғинларида нейроэндокрин дисбалансни келтириб чиқаради ва йўлдош тўқимасининг етишмовчилиги, сурункали ҳомила гипоксияси ва ҳомиланинг антенатал нобуд бўлишига олиб келади (Kato K., Hara S., Kawada J., Ito Y. 2015; Kimberlin D.W. 2017).

Ишнинг долзарблиги шубҳасиз, негаки касаллик тиббий даволаш-профилактик чоралар комплекси ишлаб чиқишни талаб этувчи юқори даражадаги перинатал патологиялар билан ёндош кечади (Сиразитдинова В.Ф., Маннанов А.М. 2014). Ҳомиладорларда герпес вируси манифест шакли

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони

учраш кўрсаткичи анча юқори бўлиб, чақалоқларда жиддий неврологик асоратлар ривожланиш хавфи 51,8% ни ташкил этади (Шамансуров Ш.Ш., 2015).

Шу тарика, юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунга қадар, герпес вируси бўлган аёлларни ҳомиладорлик даврини олиб бориш ва туғдириш усуллари танлаш, гестация давридаги асоратларни оғирлиги ва табиати масаласида, перинатал яқунлар борасида ягона бир фикр мавжуд эмас, ва бунда оддий герпес вируси таъсири охиригача ёритилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишнинг асосий устувор йўналишларига мувофиқ бажарилди ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг “Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш” мавзуси бўйича режа ишининг бир бўлаги ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади:** клинико-морфологик тадқиқотлар асосида перинатал асоратларни камайтириш мақсадида герпес вируси билан зарарланган ҳомиладор аёлларда туғруқ усуллари танлашни патогенетик асослаш.

**Тадқиқот вазифалари:**

ретроспектив таҳлил асосида герпес вируси билан зарарланган аёлларда ҳомиладорлик, туғруқ, туғруқдан кейинги даврнинг кечиши ва чақалоқлар ҳолати ўзига хослигини аниқлаш;

инвазив бўлмаган усуллар ёрдамида мавжуд ҳомиладорликни мониторинг қилиш, ҳомиладорлик ривожланиши ва ҳомила ичи ҳолатини акс эттирувчи гормонал, функционал ва биокимёвий кўрсаткичлар комплексини баҳолаш;

лаборатор-ускунавий услублар ёрдамида ҳомиладорликнинг III триместрида герпес вирусининг фетоплацентар тизимга таъсирини аниқлаш ва герпес вируси билан зарарланган ҳомиладор аёлларда перинатал асоратларни келиб чиқиш хавфини кўрсатиш;

йўлдошнинг гистоморфологик тавсифини келтириш, уларнинг перинатал яқунлар билан ўзаро алоқасини аниқлаш;

герпес вируси билан зарарланган ҳомиладор аёлларда туғруқни олиб бориш ва туғдириш усулини танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти:** герпес вируси билан зарарланган 317 нафар ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик, туғруқ кечиши ва перинатал яқунларнинг ўзига хослигини ўрганиш учун тиббиёт ҳужжатларининг ретроспектив таҳлили ўтказилди. Проспектив гуруҳни 257 нафар герпес вируси билан зарарланган ҳомиладор аёллар, назорат гуруҳини герпесвирус инфекцияси бўлмаган 60 нафар соғлом аёллар ташкил этди. Клиник кузатувлар Тошкент шаҳри 2-сон туғруқ мажмуасида ўтказилди.

**Тадқиқот предмети:** периферик қон, қон зардоби, туғриқдан сўнг йўлдош, қоғаноқ пардалари ва киндик ўқи.

**Тадқиқот услублари:** Илмий тадқиқотни бажариш давомида умумий клиник-лаборатор, гормонал, функционал (ультратовуш), биокимёвий, гистоморфологик ва статистик тадқиқот услублари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат: ретроспектив таҳлил асосида герпес вируси билан зарарланган ҳомиладор аёлларда асоратлар учраш кўрсаткичи, табиати ва перинатал яқунлар аниқланди.

биокимёвий тестлар билан биргаликда ускунавий диагностика маълумотларига асосланган ҳолда герпес вируси билан зарарланган ҳомиладор аёлларда она ва ҳомила учун асоратларни олдиндан башорат қилишнинг қулай мезонлари аниқланди.

герпес вируси билан зарарланган ҳомиладор аёллар йўлдошининг тўлиқ гистоморфологик тавсифи тақдим этилди, герпес вирусининг тез-тез қайталаниши йўлдошнинг метоболик функцияси ва унинг етишмовчилигидаги роли исботланди.

ҳомила аҳволини ва фетоплацентар комплекс ҳолатини ҳар тамонлама баҳолаш, туғруқ усулини тўғри танлаш учун алгоритми ишлаб чиқилди, бу алгоритмни қўллаш натижасида герпес вируси билан зарарланган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик, туғруқ, туғруқдан кейинги даврда перинатал асоратлар учраш кўрсаткичини пасайиши исботланди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

илк бор ҳомила биофизик ҳолати, она қонида оқсиллар фаоллиги ва гормонлар кўрсаткичлари, доплерометрия, йўлдошнинг гистоморфологик ҳолатининг маълумотлари таҳлили асосида герпесвирус инфекцияси бўлган ҳомиладор аёлларда перинатал асоратларнинг олдиндан башорат қилиш мезонлари ишлаб чиқилди;

илк бор перинатал асоратларни камайтириш мақсадида герпес вируси билан зарарланган ҳомиладор аёлларда туғруқни олиб бориш ва туғдиришнинг усулини танлаш учун алгоритми ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган тадқиқот натижаларини халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференцияларда муҳокамаси, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацион комиссияси таъсис этган илмий нашрларда чоп этилиши орқали тасдиқланди, натижаларни ишончлилигига кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, герпес вируси билан



зарарланган ҳомиладор аёлларда перинатал асоратларда фетал гормонларнинг патогенетик аҳамияти, клиник башорат қилиш бўйича маълумотлар келтирилган, мазкур инфекцияли аёлдан дунёга келган чақалоқ хавф гуруҳига киритилади ва янада диққат билан кузатишни талаб этади. Фетоплацентар комплексининг гормонал ва метаболик функциялари, ультратовушли фето- ва плацентометрия маълумотлари, ҳамда герпес вирус инфекцияси фонидаги ҳомиладорликда бачадон-йўлдош қон айланиши ва уларнинг диагностик аҳамияти орасида ўзаро корреляцион алоқа аниқланди бу республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратиши, шунингдек ҳомилани туғдириш усули ва асоратларни олдини олиш учун алгоритмни қўлланиши она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш имконини бериши билан изоҳланади. Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган тадқиқот натижасида герпес вируси билан зарарланган ҳомиладор аёлларда туғруқни юритишга қаратилган тадбирлар тизими ишлаб чиқилди ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Олинган илмий натижалар асосида герпес вируси билан зарарланган ҳомиладор аёлларда ташхислаш ва туғруқни юритиш тактикасининг замонавий мезонлари бўйича:

“Герпесвирус инфекцияси бўлган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни юритишга замонавий ёндашув” ва “Герпетик инфекция: даволаш усуллари оптималлаштириш” услубий қўлланмалари босиб чиқарилди ва жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 30.03.2016 йил майдаги 8н-р/41-сон ва 30.03.2016 йил майдаги 8н-р/40-сон маълумотномаси). Бу услубий қўлланмалар туғруқ якунлари ва туғдириш усулини танлашда юқори тиббий ва ижтимоий самарага эга;

герпесвирус инфекцияси бўлган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни юритиш бўйича ишлаб чиқилган алгоритмининг қўллаш орқали олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилди, жумладан, “Тошкент шаҳар тиббий маслаҳат-ташхис маркази” Давлат унитар корхонаси ва Самарқанд шаҳри 4-сон оилавий поликлиникаси клиник амалиётига жорий этилди. Республика Перинатал маркази ва Фаргона перинатал маркази клиник амалиётига жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 13 февралдаги 8н-д/36-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари асосида жорий этилган алгоритм олиб борилган туғруқ ҳомиланинг герпес вируси билан инфекцияланишини олдини олиб, асоратлар кўрсаткичини пасайтирди ва даволаниш муддатини 2 карра қискартириш билан даволаш харажатларини камайтириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришиш имкониятини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертацияда баён этилган асосий ҳолатлар юзасидан илмий- амалий анжуманда, жумладан, мазкур тадқиқот натижалари, 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 139 бетни ташкил этади

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ҳомиладорликда герпесвирусли инфекция муаммосининг замонавий ҳолати”** биринчи бобида касаллик патогенези, ташхисоти ва герпесвирус инфекцияси бўлган ҳомиладор аёлларни кузатиш тактикаси ҳақидаги замонавий адабиётлар шарҳи келтирилган. Адабиётлар шарҳида фетоплацентар тизимнинг функционал ҳолатини ақс эттирувчи фетал маркерларни ўрганиш мезонлари баён этилган. Адабиётлар шарҳи бешта кичик боблардан иборат.

Диссертациянинг **“Герпесвирус инфекциясида ҳомиладорлик хусусиятларининг услубий таҳлили”** иккинчи бобида ишнинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ 317 нафар герпесвирус инфекцияси бўлган ҳомиладор аёлнинг комплекс текшируви маълумотлари келтирилган, ретроспектив равишда тиббий ҳужжатларнинг таҳлили ўтказилди. 249 нафар герпесвирус инфекцияси бўлган ҳомиладор аёллар проспектив текширилди. Назорат гуруҳи 60 нафар герпесвирус инфекцияси бўлмаган соғлом аёллар ташкил этди.

Перинатал яқунлар ва текширув алгоритми ҳамда туғдириш тактикасининг прогностик мезонларини ишлаб чиқиш мақсадида 35-40 ҳафта гестацион муддатдаги 257 нафар аёлларнинг проспектив мажмуавий клиник-лаборатор тадқиқоти ўтказилди. Герпетик жараённинг оғирлигига боғлиқ равишда ҳомиладорлар гуруҳларга ажратилди: асосий гуруҳ 131 нафар рецидив шакли ўртача ва оғир кечаётган герпесвирус инфекцияси бўлган ҳомиладор аёллардан иборат бўлди, қиёсий гуруҳни 126 нафар ремиссия давридаги енгил кечаётган герпесвирус инфекцияси бўлган ҳомиладор аёллар ташкил этдилар. Назорат гуруҳини 60 нафар герпесвирус инфекцияси бўлмаган ҳомиладорлиги асоратларсиз кечаётган аёллар ташкил этдилар.

Комплекс клиник-лаборатор тадқиқотлар қуйидагиларни ўз ичига қамраб олди: ёш маълумотларининг клиник-статистик таҳлили, анамнестик

маълумотлар, мазкур ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврлар кечишининг ўзига хос хусусиятлари ва чақалокнинг аҳволи; TORCH-инфекцияга иммунофермент қон таҳлили; 1 ва 2 тур герпесвирус инфекциясига сифатли ПЦР тест; қин микрофлорасининг бактериоскопик тадқиқоти; ҳомила биофизик профилини аниқлаш; КТГ; доплерометрия; биокимёвий тадқиқотлар: ҳомиладор аёл қонида эстриол, прогестерон, ПЛ, ОХГ, АФП; йўлдошнинг морфологик тадқиқоти.

Тадқиқот давомида олинган маълумотларга Pentium-IV шахсий компютерида Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакетлари, ҳамда статистик ишловнинг ўрнатилган функциялари ёрдамида статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг **“Ҳомиладорларда герпесвирус инфекциясида ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврнинг кечиши”** Тадқиқот мақсадларига мувофиқ биринчи босқичда 317 аёлда ретроспектив гуруҳдаги ҳомиладорлик, туғиш ва перинатал натижаларни таҳлил қилинди. Таҳлил тиббий хужжатларга мувофиқ омалга оширилди (амбулатор картаси, ҳомиладорлик картаси, тугилиш чақалок тарихи). Ёш кўрсаткичларига биноан ўтказилган ретроспектив таҳлилга кўра, 24-35 ёшдаги герпесвируси бўлган бемор аёллар устун келди. Ретроспектив гуруҳ ҳомиладор аёлларининг ўртача ёши  $29.7 \pm 1.24$  ни ташкил этди. Паритет маълумотлари таҳлили кўрсатдики, герпесвирус инфекцияси бўлган қайта ҳомиладорлар сони илк ҳомиладорлар сонидан 3 марта ортиқ бўлган. Илк туғадиган аёллар сони илк ҳомиладорлар сонидан икки марта ортиқ бўлган. Юқорида айтилганларга кўра, герпесвирус инфекцияси илк ҳомиладор бўлган аёлларда гестациянинг патологик кечишига сабаб бўлиш билан бирга, ҳомиладорлик тугаши частотасини икки мартага ва инфекцияланиш даражасини 2 мартага оширади, репродуктив функция бошланишини узок муддатга суради ва илк бора туғайтганлар гуруҳига 27 ва ундан катта ёшдан кейинга қолдиради.

Ретроспектив кузатув гуруҳи анамнезида бепуштлиқ ташхиси 56,5% аёлларда қўйилган, ХВЗОМТ – 61,7% аёлларда, энг кўпроқ бачадон оғзи эрозияси 68,7% аёлларда кузатилган, бу эса генератив функцияга таъсир этмай қолмаган, шу тариқа, бола тушиши 50,9%, ривожланмай қолган ҳомиладорлик 47,6%, бачадондан ташқари ҳомиладорлик 3,7% аёлларда учраган.

Герпесвирус инфекцияси бўлган аёлларда акушерлик анамнези тавсифи катта эътиборга сабаб бўлди: муддатидан аввал туғиш 34,6% , ҳомила ўсишида чегараланиш синдроми (ХЎЧС) 23% кузатилган, 42,5% аёлларда кўғаноқ сувлари вақтидан аввал тўкилган. Туғруқдан кейин 36,9% аёлларда йўлдош нуқсони туфайли бачадон механик тозаланган. Бачадон инволюцияси 19,1% ҳолда учраган, туғруқдан кейинги эндометрит 9,3% аёлда кузатилган. Айниқса туғруқнинг яқунлари ҳомила учун нохуш бўлган. Перинатал йўқотишлар ретроспектив гуруҳда 5,6% ни ташкил этди.

Умумий перинатал йўқотишлар 13 (4,1%) нафар бўлиб, шундан 5 та ҳолатда бачадон ичи инфекцияси фонида нуқсонлар ривожланиши оқибатида

ҳомиланинг антенатал йўқотилиши содир бўлган. 9 ҳолатда неонатал йўқотишлар содир бўлган. Ушбу барча кузатувларда патологоанатомик усул орқали ҳомиланинг бачадон ичи инфекцияланиши тасдиқланган.

Мустақил туғруқлар 258 нафар аёлда содир бўлди. Ретроспектив гуруҳнинг 317 нафар аёлидан 59 нафар (18.7%) туғруқлар кесар кесиш усули орқали яқунланди. Жарроҳлик амалиётига кўрсатмалар: ҳомиланинг тос билан ётиши – 3 (7.5%), клиник тор тос - 7 (17.5%), туғруқ жараёнининг дискоординацияси – 2 (5%), туғруқ жараёнининг сустлиги, кўғаноқ сувлар эрта тўкилишида медикаментоз коррекцияга бўйсунмаган ҳолатлар - 9 (22.5%), кўз тубидан ўзгаришлар кузатилган ўрта даражадаги миопия 5 (12.5%) и ПОНРП У 3 (7.5%)ни ташкил этди. Шунини айтиш керакки, кесар кесиш амалиётига кўрсатмалар орасида ретроспектив гуруҳнинг 40 аёлидан абдоминал туғдирилган 11 (27.5%) нафарида ҳомиланинг аҳволи яхши эмас эди.

Тадқиқотимизни мантикий давоми булиб проспектив гуруҳларда ҳомиладорлик, туғиш ва перинатал натижаларнинг хусусиятларини урганиш эди. Тадқиқот учун танлов шартлари герпесвируси инфекциясининг мавжудлиги эди. ПЦР-ташхислаш ёрдамида асосий гуруҳ ҳомиладорлари (35-40 ҳафта) қонида 2-тур оддий герпес вируси моноинфекция кўринишида 53 ҳолатда (43,1%) аниқланди, 1 ва 2 тур оддий герпес вируслари микст-инфекцияси сифатида эса 70 нафар (56,9%) ҳомиладорда аниқланган. 2-қийсий гуруҳда 1 тур оддий герпес вируси 67(53,2%) нафар ҳомиладорда кузатилган, 59(46,8%) ҳолатда эса 2 тур оддий герпес вируси аниқланган. Асосий гуруҳда ҳомиладорларда рецидивлар частотаси бўйича касаллик аритмик ва монотон кечиши кузатилган бўлса, қийсий гуруҳда герпесвирус инфекциясининг рецидив частотаси бўйича кечиши сусайиш аломатларини кўрсатди.

## Жадвал 1

### Ҳомиладорларда герпесвирус инфекциясига ИФА ташхислаш

Класс Ig	Асосий гуруҳ n=131		Қийсий гуруҳ n=126		Назорат гуруҳи n=60	
	ВПГ-I	ВПГ-II	ВПГ-I	ВПГ-II	ВПГ-I	ВПГ-II
Ig M	-	3,8%	-	-	-	-
Ig M, IgG	-	13,0%	-	-	-	-
IgG +	42,7%	32,8%	48,4%	71,4%	-	-
IgG ++ нарастающий	57,3%	68,7%	29,3%	28,6%	-	-

Асосий гуруҳ ҳомиладорларининг 3,8% и бирламчи генитал герпеснинг биринчи клиник эпизодини бошдае кечиришди.

Асосий гуруҳда 2 тур ОГВ га IgM ва IgG антитаналарининг (13.0%) мавжудлигини инобатга олган ҳолда, фаол кечаётган субклиник ёки қайталанган герпесвирус инфекцияси аниқланган. Асосий гуруҳда IgG++ титрлари динамик ортиб бориши қийсий гуруҳга нисбатан одатда икки марта кўпроқ аниқланган. Герпесвируслари турлари орасидаги бирлашган инфекцияланиш асосий гуруҳга хос бўлди. Қон зардобида баробарига икки

герпесвирус маркерлари бўлиши герпесвирус инфекцияси бўлган ҳомиладор аёлларнинг ёши ошиши билан намоён бўлди.

Мазкур ҳомиладорлик рўй беришидан аввал РОГВ оғир кечиши (йилига 6 марта касаллик ҳуруж қилиши) асосий гуруҳнинг 51 % аёлида кузатилган. Қиёсий гуруҳда ГГ енгил кечиши (йилига 1-2 марта) – 81,7% ҳолатда учраган, асосий гуруҳда 14,5% ташкил этган. Барча аёлларда ушбу ҳомиладорлик рецидивлар орасидаги даврда рўй берган ва фақат 1 гуруҳнинг бир аёлида ҳомиладорлик навбатдаги ҳуруж эпизодидан кейин (10-12 кундан кейин) содир бўлган. Биринчи триместрда ГГ иккала гуруҳда бир маротаба кучайди, мос равишда 2,1% ва 3,2% ни ташкил этди. Иккинчи триместрда ГГ ҳуруж эпизодларисиз қиёсий гуруҳнинг 82,4% ида ва асосий гуруҳнинг 64,5% ида кечган. Ҳомиладорликнинг учинчи триместрида асосий гуруҳда генитал герпес 25,5% ҳолатда 1-2 марта ва 32,3% ида 3-5 марта кучайган.

Ҳомила аҳволини функционал баҳолаш учун ҳомила биофизик профилини (ҲБП) ўрганиш ўтказилди. Ультратовуш тадқиқоти маълумотлари асосий гуруҳда 72,5%, қиёсий гуруҳда эса 89,3% ва назорат гуруҳининг барча аёлларида ҳомиланинг гестацион муддатга биометрик кўрсаткичларининг мувофиқ булган.

Йўлдош қалинлигини ўлчаш текшируви назорат гуруҳида ишончли ўзгаришларни кўрсатмади, демак 35-38 ҳафтага келиб, биометрик кўрсаткич  $33,67 \pm 0,3$  мм га тенг бўлди. Бироқ, асосий гуруҳнинг 47 (68,1%) ҳомиладорида ўтказилган плацентография йўлдош етишмовчилигини кўрсатди, бу ҳолат йўлдош қалинлашиши, шишиши, кисталар, кальциноз соҳалари юзага келиши ва йўлдошнинг муддатидан аввал қариши билан намоён бўлди.

Ҳомила биофизик профилининг ўртача баҳоси асосий гуруҳда ўртача  $6,80 \pm 0,31$  баллни ташкил этди, бу қиёсий гуруҳдан 1,3 мартага ва назорат гуруҳидан 1,5 мартага камроқ бўлди. Ҳомила меъёрий тонуси асосий гуруҳнинг 10 (28,5%) нафарида ва қиёсий гуруҳнинг 38 (76%) нафарида кузатилган. Тонуснинг енгил пасайиши асосий гуруҳда 2 марта кўпроқ, гипотонус эса 7,8 марта кўпроқ учраган. Бу каби ҳолат ҳомиланинг ҳаракат фаоллигида ҳам кузатилди, демак деярли барча тонуси пасайган ҳомилаларда ҳаракат фаоллиги сустлиги кузатилди. Герпесвирус инфекциясида кўпинча қўғаноқ сув миқдори камлиги ва майда дисперс моддалар асосий гуруҳнинг 20 (37,1%) ва қиёсий гуруҳнинг 11 (14,7%), сув миқдори кўплиги асосий гуруҳда 27 (39,2%), қиёсий гуруҳда 17 (22,7%) ва назорат гуруҳида 2 (3,4%) ни ташкил этди.

Йўлдошнинг структуравий ҳолати ва етилганлик даражаси бўйича текширилган гуруҳлар қуйидагича тавсифланди: “етилмаган” йўлдош асосий гуруҳ ҳомиладорларида 32 (46,4%), қиёсий гуруҳда 37-38 ҳафтада 7 (9,4%) – биринчи ва иккинчи етилиш даражаси бўлган, 34-35 ҳафтада кальцинатлар, кистоз зарарланишлар билан цўлдош етилиб ўтиш ҳолати асосий гуруҳда 28 (40,6%) ва қиёсий гуруҳда 11 (14,7%) нафар ҳомиладорда кузатилган. Сув йиғилган (шишган) йўлдош асосий гуруҳнинг 18 (26,1%) нафар ва қиёсий

гурухнинг 10 (13.4%) нафар ҳомиладорида аниқланган. Асосий гуруҳда йўлдош қалинлиги  $2,79 \pm 0,07$  см, қиёсий гуруҳ ва назорат гуруҳида эса мос равишда,  $3,37 \pm 0,03$  см ва  $3,51 \pm 0,02$  ни ташкил этди ( $p < 0,05$ ). Йўлдош қалинлигидаги бундай фарқ унинг функциялари бузилганлигидан дарак беради, негаки йўлдош юпқалашиши ёки шишиши йўлдош етишмовчилиги ривожланишини башоратловчи белги ҳисобланади.

Ҳомиладорларни динамикада кузатиш орқали ҳомила мияси ёнбош қоринчаларининг кенгайиши аниқланди. Асосий гуруҳда мазкур патология 7 (10.2%) аёлда, қиёсий гуруҳда эса у 1 (1.4%) аёлда аниқланган. Ҳоила ичаги пневматози асосий гуруҳнинг 23 (33.4%) аёлида, қиёсий гуруҳнинг 8 (10.7%) аёлида аниқланган. Ҳомиланинг герпесвирус инфекцияларида бачадон ичи қийналиш ҳолати НСТ-КТГ орқали тасдиқланди, КТГ маълумотларига кўра, қайталанувчи герпесвируси инфекциясида ҳомила ремиссия давридаги герпесвируси инфекциясидаги ҳолатга нисбатан аҳамиятли равишда кўпроқ қийналиши аниқланган.

Допплерометрик тадқиқотлар натижаларини таҳлили 1-асосий гуруҳда она-йўлдош-ҳомила тизимининг гемодинамика кўрсаткичларида назорат гуруҳи ва қиёсий гуруҳларнинг налогик кўрсаткичларига нисбатан аниқ фарқланишларни аниқлади (жадвал 3). Асосий гуруҳда  $46,67 \pm 9,11\%$  ҳомиладорларда бачадон-йўлдош қон айланишининг ишончли бузилиши кузатилган.

## Жадвал 2.

### Герпесвирус инфекцияси бўлган ва назорат гуруҳи ҳомиладорларда текширилаётган томирларининг СДО кўрсаткичлари

Томирлар	асосий гуруҳ n = 131	қиёсий гуруҳ n = 126	назорат гуруҳи n = 60
Бачадон артерияси	$2,90 \pm 0,08^{***}$	$1,90 \pm 0,06$	$1,93 \pm 0,04$
Киндик артерияси	$3,27 \pm 0,20^{***}$	$2,20 \pm 0,11$	$2,21 \pm 0,06$
Мия ўрта артерияси	$1,89 \pm 0,18^{*,**}$	$3,83 \pm 0,10$	$3,86 \pm 0,10$
* Фарқланиш I ва II гуруҳлар орасида статистик аниқ бўлган ( $p < 0,001$ ).			
** Фарқланиш I ва назорат гуруҳлари орасида статистик аниқ бўлган ( $p < 0,001$ ).			

Асосий гуруҳ беморларида КСК тузишда бачадон-йўлдош қон айланишида қиёсий ва назорат гуруҳларига нисбатан СДО ( $2,90 \pm 0,08$ ), ПИ ( $1,643 \pm 0,06$ ) ва ИР ( $0,67 \pm 0,03$ ) нинг ошиши кузатилган ( $p < 0,001$ ).  $36,24 \pm 4,76\%$  кузатувларда ҳомила гемодинамикаси хусусиятларининг таҳлили натижасида назорат гуруҳидан катта фарқлар аниқланмади. 44 ( $63,76 \pm 3,24\%$ ) нафар аёлда киндик артериясида томир қаршилигининг ишончли ошиши аниқланган. Бунда ҳомила-йўлдош бўғинида томир резистентлигининг ошиши СДО АП да 3,0 дан ортиқ, ИР – 0,67 дан ортиқ, ПИ 0,90 дан ортиқ ҳолат билан тавсифланган (жадвал 4).

### Жадвал 3

#### Герпесвирус инфекцияси бўлган ва назорат гуруҳи ҳомиладорларда текширилаётган томирларининг ИР кўрсаткичлари

Томирлар	асосий гуруҳ n = 131	қиёсий гуруҳ n = 126	назорат гуруҳи n=60
Бачадон артерияси	0,67±0,03	0,48±0,02	0,49±0,01
Киндик артерияси	0,73±0,03*,**	0,53±0,02	0,59±0,02
Мия ўрта артерияси	0,78±0,01	0,79±0,01	0,81±0,02

\* Фарқланиш I ва II гуруҳлар орасида статистик аниқ бўлган (p<0,001).  
\*\* Фарқланиш I ва назорат гуруҳлари орасида статистик аниқ бўлган (p<0,001).

Асосий гуруҳ аёлларида киндик артериясида СДО (3,27±0,20), ИР (0,73±0,03) ва ПИ (1,05±0,05) нинг ишончли ўзгариши кузатилди. Қиёсий гуруҳ маълумотлари кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат бўлди: СДО (2,20±0,11), ИР (0,53±0,02) ва ПИ (0,75±0,04), (p<0,001).

Мия ўрта артериясида (МЎА) эгри тезликларнинг доплероетрик тадқиқоти ўтказилди. Асосий гуруҳнинг доплероетрик кўрсаткичлари ўрганилиши давомида қуйидаги ўзига хос хусусиятлар аниқланган:

- томир резистентлигининг ҳомила-йўлдош бўғинида яққаланган тарзда ошиши (киндик артерияси СДО>3,0, ИР>0,67) кузатувларнинг 33,33±8,61%и;
- томир резистентлигининг ҳомила-йўлдош бўғинида ошиши (АП да СДО >3,0, ИР>0,67) МЎА да томир резистентлиги пасайиши билан уйғунликда (СДО<2,3, ПИ<1,0) – 26,67±8,67% ҳолатда аниқланган.

Асосий гуруҳ ҳомиладорларининг қон зардобида эстриол миқдори тадқиқоти у 3 мартага пасайганини, қиёсий ва назорат гуруҳларида 1,8 мартага пасайганини кўрсатди (p<0,001) (жадвал 5).

### Жадвал 4

#### Текширилган аёллар орасида фетал маркерларнинг кўрсаткичлари

Фетал маркерлар	асосий гуруҳ n= 131		қиёсий гуруҳ n=126		назорат гуруҳи n=60	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Прогестерон нмоль/л	190,7±0,01 *,**	37,2	420,9±0,02	82,1	509,3±0,04	98,9
Эстриол нмоль/л	25,3±0,04 *,**	34,1	59,6±0,01	80,5	72,1±0,02*	95,7
Йўлдош лактогени нмоль/л	81,7±0,01 *,**	32,7	200,8±0,01	81,3	249,1±0,01	97,4
ОХГ мМЕ/мл	21120±0,03	35,2	50520±0,08	84,2	57000±0,06	95,2
АФП нг/мл	36,6±0,01 *,**	40,7	70,4±0,01	78,2	87,3±0,01	97,1

\* Фарқланиш I ва II гуруҳлар орасида статистик аниқ бўлган (p<0,001).  
\*\* Фарқланиш I ва назорат гуруҳлари орасида статистик аниқ бўлган (p<0,001).

10 ҳафтадан бошлаб, ҳомиладорлар қонида АФП миқдори ошиши кузатилади. Асосий гуруҳ ҳомиладорларидан 10 нафариди АФП 36,6 нг/мл гача пасайган, қиёсий гуруҳ ҳомиладорларида эса АФП 70,4 нг/мл гача пасайган. Прогестерон тадқиқотида асосий гуруҳда ҳомиладор аёллар қон

зардобида унинг миқдори 2,5 мартага пасайгани, қиёсий гуруҳда 1,3 мартага пасайгани аниқланган, назорат гуруҳига нисбатан  $511,6 \pm 4,2$  ( $p < 0,001$ ). Асосий гуруҳ ҳомиладор аёллар қон зардобида прогестерон миқдори -  $190,7$  нмоль/л ; қиёсий гуруҳда –  $420,9$  нмоль/л; назорат гуруҳида эса  $509,3$  нмоль/л ни ташкил этди ( $p < 0,001$ ).

Биринчи гуруҳда йўлдош лактогенининг (ЙЛ) миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан пасайиши аниқланган. Иккинчи гуруҳдаги герпесвирус инфекцияси бўлган аёлларда ЙЛ миқдори ошиши кузатилади, бу ҳолат алмашинув жараёнларининг кучайишидан ва йўлдошда компенсатор-мослашувчи механизмлар қўшилишидан дарак беради, бироқ биринчи гуруҳда кўрсаткичлар иккинчи гуруҳ ва назорат гуруҳларига нисбатан анча паст бўлган. Туғруқдан аввал (37-38 ҳафтада) рецидивли герпесвирус инфекцияси бўлган беморлар гуруҳида ЙЛ миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 2,5 мартага паст бўлган, бу деярли 70% га паст дегани.

Биринчи асосий гуруҳда ОХГ кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан 2 мартага кам ва иккинчи гуруҳга нисбатан 10% га паст бўлган.

Олинган натижалар рецидивли герпесвирус инфекцияси бўлган ҳомиладор аёлларда ҳомила аҳволини оналар ва перинатал йўқотишлар олдини олиш мақсадида туғдириш усулларини аниқлаш учун комплекс ўрганиш зарурати ҳақида ҳулоса қилишга асос бўлади. Барча гуруҳдаги ҳомиладор аёлларда тугрик уз вақтида содир булди. 131 ҳомиладор аёлнинг 75,5% ( $n = 99$ ) кесир кесиш амалиёти билан, қолган асосий гуруҳдаги 24,5% ( $n = 32$ ) аёллар мустақил равишда тугрикга куйилдилар. Тадқиқот шуни курсатдики, мустақил туғишга барча имкониятлари борлигига қарамадан 6,1% ( $n = 8$ ) ҳолатда ҳомила дисстреси ривожланди, натижада шошилиш равишда кесир кесиш амалиётига олинди. Асосий гуруҳдаги 22 яъни 18,4% ҳомиладор аёл мустақил равишда туғдириб олинди. Барча гуруҳларда ҳаммаси булиб 317 чакалок уз муддатида дунёга келди. Апгар шкаласи буйича асосий гуруҳдаги чакалоқлар учун уртача балл 1-дақиқада  $6,57 \pm 0,10$  баллни, таккослаш гуруҳида -  $7,31 \pm 0,13$  ( $p < 0,05$ ) ва назорат гуруҳида -  $7,83 \pm 0,14$  баллни ( $p > 0,05$ ) ташкил қилди. 5 дақиқадан сунг, асосий гуруҳдаги чакалоқларида  $7,12 \pm 0,1$  балл, таккослаш гуруҳида -  $8,43 \pm 0,12$  ( $p < 0,05$ ) баллни ташкил этди. Огирлиги 2500 граммдан кам булган чакалоқлар асосий гуруҳда 12 (17,4%) ва таккослаш гуруҳида 5 (6,7%) кузатилди. Герпесвирус инфекциясининг ҳомиладорлик даврида бир неча бор қайталанишини бошидан кечирган оналари булган болалар кам вазнга эга эдилар.


Диссертациянинг **“Йўлдошнинг морфологик тадқиқоти”** тўртинчи бобида йўлдошнинг гистоморфологик ва гистокимёвий тавсифи келтирилган. Биз томонимиздан герпесвирус инфекцияси бўлган туққан аёлларнинг 80 дона йўлдошларининг комплекс морфологик тадқиқоти ўтказилди. Бутун материал 3 гуруҳга тақсимланди: I-асосий гуруҳ – рецидивли герпесвирус инфекцияси бўлган аёлларнинг 51 йўлдоши, II-асосий қиёсий гуруҳ – ремиссия давридаги герпесвирус инфекцияси бўлган аёлларнинг 37 йўлдоши.




Назорат гуруҳи соматик соғлом асоратсиз кечган етилган ҳомиладорлик ва туғруқни ўтказган аёлларнинг 14 йўлдошидан иборат бўлди.

Асосий гуруҳда йўлдош оғирлиги  $483,3 \pm 52,8$  г, юзаси –  $285,3 \pm 12,9$  см<sup>2</sup>, назорат гуруҳида – мос равишда,  $556,5 \pm 10,3$  г ва  $308,24 \pm 8,66$  см<sup>2</sup> иборат бўлди. Йўлдош ҳажми асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан камайиши аниқланди, ва  $0,16 \pm 0,003$  (назорат гуруҳида –  $0,17 \pm 0,003$ ) ни ташкил этди. Аниқланган тузилманинг анатомик ўзгаришлари йўлдош бирламчи етишмовчилиги ривожланаётганини англатади, бу эса 55% кузатувларда ҳомиладорликнинг тугатилиш хавфини келтириб чиқаради.

II –асосий қиёсий гуруҳдаги тукқан аёллар йўлдошлари бўйича ўтказилган комплекс тадқиқот натижасида 15 ҳолатда йўлдошда патологик ўзгаришлар аниқланмади ва хорион толалари гистологик тузилмаси етилган ҳомиладорлик муддатига мос келди, бунда яхши ривожланган компенсатор-мослашувчи реакциялар сақланиб қолган эди. 11 та йўлдошда бачадон-йўлдош қон айланишида ўчоқли бузилишлар, йўлдошнинг она ва ҳомила қисмларининг енгил дистрофик ўзгаришлари аниқланган, улар етилишнинг диссоциацияланган бузилиши кўринишидаги нисбий патологик етилмаганлик ва алоҳида котиледонларнинг нотекис етилиши билан ифодаланган (расм 1, 2). Аниқланган морфологик ўзгаришлар сурункали йўлдош етишмовчилигининг компенсацияли ва яллиғланиш қўшилганда – субкомпенсацияли шакллари ривожланиши асосида бўлган.



Расм. 1. Кальций ва фибриноид тузларининг хаддан ортиқ тўпланиши. Гематоксилин ва эозин билан бўялган, 100×катталаштирилган.



Расм. 2. Хорион толаларининг патологик етилмаганлиги, Гематоксилин ва эозин билан бўялган, 100×катталаштирилган.

Назорат гуруҳи билан таққослаганда йўлдошдаги ўзгаришлар билан ҳомила ва чақалоқнинг аҳволининг клиник-морфологик қиёсда аниқланишича, герпесвирус инфекциясининг ремиссия даврида кўпроқ ҳомиладорлик асоратлари, антенатал гипоксия ва чақалоқ асфиксияси учраган.

Диссертациянинг “Герпесвирус инфекцияси бўлган ҳомиладор аёлларда перинатал асоратларни башоратлаш” бешинси бобида ҳомила биофизик профили, функционал , биокимёвий тадқиқотлар ва асосий гуруҳдаги чақалоқлар аҳволи орасидаги ўзаро алоқа натижаларининг таҳлили келтирилган. Бу таҳлил кўпсонли корреляцион алоқаларни аниқлаган.

БФП ва чақалоқ ҳолати корреляцияси ўтказилганда ҳомила асфиксиясила ( $r=0,815$ ) юқори коррелятив алоқа ўрнатилган, гипоксик-ишемик энцефалопатияда қарама-қарши корреляцион алоқа ( $r=-0,814$ ), геморрагик синдромда ( $r=-0,752$ ), гиперқўзғалувчанликда ўртача коррелятив алоқа ( $r=-0,678$ ) ва тутқаноқ синдромида ( $r=-0,562$ ) ўрнатилган. Она қонида прогестерон миқдори билан БФП корреляцияси аниқланиши давомида эстриол ( $r=0,772$ ), ПЛ ( $r=0,583$ ), ХГЧ ( $r=0,614$ ), Кр ( $r=0,823$ ) ва АФП ( $r=0,698$ ) билан юқори корреляцион алоқа ўрнатилди. Мазкур корреляцион алоқалар ҳомила гипоксияси борлигини ҳам англатади.

Асосий гуруҳда БФП, ҳомила-йўлдош қон айланиши (доплерометрия бўйича) ва ҳомила қийналиши кўрсаткичлари (КТ бўйича) орасида юқори қарама-қарши коррелятив алоқа кузатилган ( $r=-0,953$ ) и ( $r=-0,927$ ). БФП кўрсаткичлари пасайиши билан ҳомила гипоксияси ўлчамлари ҳам ошиб боради: ПСП ва томир қаршилиги индекслари кўтарилади.

Қиёсий гуруҳда ҳам БФП кўрсаткичлари, ҳомила-йўлдош қон айланиши (доплерометрия маълумотлари бўйича) ва ҳомила қийнали кўрсаткичлари (КТГ маълумотлари бўйича) коррелятив алоқа ( $r=0,637$ ) и ( $r=0,866$ ) аниқланган.

Асосий гуруҳда БФП ва йўлдош қалинлиги орасида юқори коррелятив алоқа ўрнатилган ( $r=0,851$ ). Чақалоқлар аҳволи ва биокимёвий тадқиқотлар орасида аниқ коррелятив алоқа кузатилди. АФП тадқиқотида ҳомила асфиксияси ( $r=-0,889$ ) ва гипоксик-ишемик энцефалопатия ( $r=-0,702$ ), орасида бевосита юқори коррелятив алоқа, гиперқўзғалувчанлик ( $r=-0,601$ ) ва геморрагик синдром ( $r=-0,506$ ) орасида ўртача коррелятив алоқа аниқланган.

Она қонида прогестерон аниқлашда ҳомила асфиксияси ( $r=-0,952$ ), гипоксик-ишемик энцефалопатия ( $r=-0,840$ ) ва гиперқўзғалувчанлик ( $r=-0,755$ ) ўртасида юқори қарама-қарши корреляцион алоқа ва геморрагик синдром билан ўртача коррелятив алоқа аниқланган. Шунингдек, эстриол миқдори ўзгаришида аниқ коррелятив алоқа аниқланди: ҳомила асфиксия билан ( $r=-0,884$ ), гипоксик-ишемик энцефалопатия билан ( $r=-0,850$ ), геморрагик синдром билан ( $r=-0,771$ ), тутқаноқ синдроми билан ( $r=-0,710$ ) юқори қарама қарши корреляцион алоқа ўрнатилди ва гиперқўзғалувчанлик билан ўртача коррелятив алоқа аниқланган ( $r=-0,676$ ).

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида аниқланишича, ҳомила биофизик профилидаги ва она қонидаги фетал маркерлар миқдоридаги ўзгаришлар туғруқ яқунлари ва перинатал яқунларга таъсир этиши аниқланган.

Ҳомила биофизик профили ва она қонининг биокимёвий тадқиқоти маълумотлари асосида қуйидаги прогностик (башоратловчи) мезонлар аниқланди:

– ҳомила биофизик профили 6 баллдан пасайса, ҳомила оғир даражадаги асфиксия билан туғилиши башоратланади.

– Пг, ЙЛ, ОХГ миқдорлари 50-80% га тушиши ҳомила ўрта ва оғир даражадаги асфиксия ва перинатал асоратлар билан туғилиши башоратланади.

Тадқиқот натижалари: КТГ, доплер, ҳомила биофизик профили, она қони биокимёвий тадқиқоти, ҳамда аниқланган прогностик мезонлар асосида туғруқни кузатишнинг тактикаси ишлаб чиқилди (расм 3).

### ҲУЛОСА:

Олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:


1. Герпесвирус инфекцияси бўлган ҳомиладор аёллар ретроспектив таҳлилига кўра, анамнезда 56,5% да бепуштлиқ, 50,9% аёлда бола тушиши ва 47,6% аёлда ривожланмай қолган ҳомиладорлик аниқланган. Бемор аёлларнинг акушерлик анамнези бўйича оғирлашган ҳолат ва муддатидан аввал туғиш ҳолатлари 19,7% ва туғруқдан кейинги эндометрит 9,3% аёлдан аниқланган. Айниқса, туғруқнинг якунлари 5,6% ҳомила учун нохуш кечган. Ушбу барча кузатувларда патологоанатомик усул орқали ҳомиланинг бачадон ичи инфекцияланиши тасдиқланган.

2. Ўрта ва оғир даражали рецидивли герпесвирусли ҳомиладор аёлларда ҳомилани биофизик ҳолати кўрсаткичларини пасайиши, фетоплацентар комплекс гемодинамикаси ва она-йўлдош тизимининг гормонал бошқарувини бузилиши натижасида прогестерон, плацентар лактоген, ХГ, эстриол ва АФП кўрсаткичларини пасайиши кузатилди.

3. Кўпсонли аҳамиятли корреляцион алоқалар аниқланди, БФП суммар баҳоси пасайишида прогестерон, плацентар лактоген, ХГ, эстриол ва АФП миқдори пасайди. Бу каби ўзаро таъсирланишларнинг натижасида ҳомиланинг аҳволи оғирлашиши кузатилади. Ҳомила биофизик ҳолати курсаткичларининг ва фетал маркерларнинг она қонида миқдорини пасайиши чақалокнинг оғир даражадаги асфиксия ва перинатал асоратлар билан туғилиш хавфи ошади.

4. Гистоморфологик тадқиқот шуни кўрсатдики тез-тез қайталанувчи герпесвируси бўлган аёлларнинг йўлдошида кўп миқдорда томирсиз хорион ворсиналари 48,3%, трофобласт ворсиналаридаги Лангаса хужайраларини юқори фоизда 32,7% учраши кузатилди. Синцитио-капиллярлар мембраналарни етишмовчилиги, сурункали виллит ва экстраплацентар пардаларда “герпетик хужайралар” топилди. Бу ҳолатга инфекцион жараённинг сурункали кечиши ва тез-тез қайталаниши олиб келганлиги, натижада йўлдош гормонлари ва оксилларини метобализмини бузилишига олиб кетган деган хулосага келишимизга имкон берди.

5. Ишлаб чиқилган башорат қилувчи мезонлар ва герпесвируси билан зарарланган ҳомиладорларни текшириш, туғруқни олиб бориш алгоритми ҳомиланинг патологик аҳволини ўз вақтида аниқлаш, туғдиришнинг оптимал услубини танлаш ва перинатал асоратлар миқдорини пасайтиришга ёрдам беради.



**Расм 3. Ҳомиладорларда герпес вирус (ГВ)да текширув ва кузатув алгоритми**

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ПЕДИАТРИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ**

**РАДЖАБОВА ЗУЛОЛА АБДУХАКИМОВНА**

**ПАТОГЕНЕТИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ ВЫБОРА МЕТОДА РОДО-  
РАЗРЕШЕНИЯ У БЕРЕМЕННЫХ С ГЕРПЕСВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИ-  
ЕЙ (КЛИНИКО-МОРФОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ)**

**14.00.01– Акушерство и Гинекология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1. PhD/Tib11**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте усовершенствования врачей.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский) размещен на веб-странице по адресу ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Каримова Феруза Джавдатовна</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Бабаджанова Гулжахон Саттаровна</b> доктор медицинских наук, профессор <b>Набиев Талат Абдувохобович</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр акушерства и гинекологии</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в «\_\_» час. на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27.06.2017.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте (Адрес:100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail @tashpmi. uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за №\_\_\_\_), (Адрес:100140, г.Ташкент, Юнусабадский район ул. Богишамол, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 год.  
(Протокол рассылки № \_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2020 года).

**А. В. Алимов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**К.Н.Хайтов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.И. Ахмедова**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время охрана здоровья матери и ребенка находится в центре внимания ученых всего мира и является одним из самых приоритетных направлений здравоохранения Республики Узбекистан. Вирус простого герпеса (ВПГ) – по данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), занимает 2 место после гриппа, как причина смертности от вирусных инфекций, если первичный эпизод герпесвирусной инфекции приходит на III-триместор то риск возникновения неонатального герпеса в разы увеличивается<sup>3</sup>. Согласно данным ряда американских ученых, антитела к ВПГ 1 типа обнаруживаются у 99% взрослого населения, 2-типа у 73%, и, заболевание приобретает в США в последние годы характер «национальной герпетической эпидемии», что составляет 6% всех случаев заболеваний передающихся половым путем. В современной науке, на сегодняшний день приоритет отводится своевременной диагностике и профилактике вирусной патологии в связи, с чем актуальным остается вопрос выявления специфических критериев в ранней диагностике патологий. Решение проблемы инфицирования при рождении предусматривает разработку новых и усовершенствование существующих методов диагностики состояния плода и оптимизации сроков и методов родоразрешения

В мире проводится широкий круг научных исследований по изучению этиопатогенетических аспектов, разработки прогностических критериев при беременности с герпесвирусной инфекцией, существующие методы диагностики уже недостаточны, возникла настоятельная необходимость в дополнительных методах исследования. С этих позиций представляется перспективным изучение гормональной и метаболической функции плацентарного комплекса, оценке данных ультразвуковой фето- и плацентометрии, а также маточно-плацентарного кровообращения. В настоящее время методы оценки фетальных маркеров, отражающих состояние внутриутробного плода, нашли широкое применение в клинической медицине, что связано с простотой исполнения, высокой чувствительностью и информативностью. Изучение гормональной и метаболической функции плацентарного комплекса, оценке данных ультразвуковой фето- и плацентометрии, а также маточно-плацентарного кровообращения при беременности на фоне герпесвирусной инфекции с целью разработки алгоритма ведения и выбора метода родоразрешения, позволит наряду с другими общепринятыми клиническими методами индивидуально выбрать наиболее рациональный метод родоразрешения.

В годы независимости в стране сфера здравоохранения коренным образом обновилась, на сегодняшний день актуальной проблемой медицины является обращение особого внимания на раннюю диагностику заболеваний

---

<sup>3</sup> WHO G First global estimates of annual number of neonatal herpes cases 31 January 2017; Brief<https://www.who.int/reproductivehealth/topics/>

и снижение их осложнений. В этом плане выполнены широкоплановые программные мероприятия. Согласно Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годы, для дальнейшего улучшения оказания медицинской помощи населению поставлены важные задачи, направленные на «укрепление здоровья семьи, защиту матери и ребенка, оказание высококвалифицированной технологической медицинской помощи матери и ребенку, внедрение комплексных мер по снижению младенческой и детской смертности»<sup>4</sup>.

